

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА  
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/2025.27.12.Tib.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА  
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ГАФУРОВА НОДИРАХОН ОЙБЕК ҚИЗИ**

**ФЕТО-ФЕТАЛ ТРАНСФУЗИОН СИНДРОМИНИ  
ТАШХИСЛАШ ВА КОРРЕКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Гафурова Нодирахон Ойбек қизи**

Фето-фетал трансфузион синдромини ташхислаш

ва коррекциясини такомиллаштириш..... 3

**Гафурова Нодирахон Ойбек қизи**

Оптимизация диагностики и коррекции

фето-фетального трансфузионного синдрома..... 25

**Gafurova Nodiraxon Oybek qizi**

Improvement of diagnosis and correction of

twin-to-twin transfusion syndrome..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 52

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА  
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/2025.27.12.Tib.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА  
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ГАФУРОВА НОДИРАХОН ОЙБЕК ҚИЗИ**

**ФЕТО-ФЕТАЛ ТРАНСФУЗИОН СИНДРОМИНИ  
ТАШХИСЛАШ ВА КОРРЕКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1.PhD/Tib4196 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.akusherstvo.uz](http://www.akusherstvo.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юсупбаев Рустем Базарбаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бабажанова Шахида Дадажановна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Асранкулова Диларом Бахтияровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси 132А уй. Тел/факс: (+99871) 263-78-18, e-mail: [info@uzaig.uz](mailto:info@uzaig.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси 132А уй. Тел/факс: (+99871) 263-78-18.

Диссертация автореферати 2026 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2026 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.С. Надирханова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори

**А.М. Бабаханова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

**М.М. Асатова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда сўнгги йилларда тиббиёт ютуқларига қарамасдан, фето-фетал трансфузион синдром (ФФТС) монохориал диамниотик эгизак ҳомиладорликларнинг 10-15% ҳолатларида учрайди ва перинатал асоратлари ривожланиш хавфи 60-100% гача етади, перинатал ўлим кўрсаткичи 80–100% ни ташкил этади. Шу билан бирга, «... тирик қолган болаларда оғир неврологик асоратлар (церебрал паралич, кўриш ва эшитишнинг бузилиши, руҳий ва мотор ривожланиш орқада қолиши) 25-30% да учрайди».<sup>1</sup> Дунё амалиётида ФФТС тез прогрессияланиши, амниотик суюқлик мувозанатининг қисқа вақт ичида кескин бузилиши, доплер кўрсаткичларининг барқарор эмаслиги ва плацентар анастомозлар индивидуаллиги туфайли унинг ташхис ва даволаши юқори технологик ёндашувларни талаб этаётган мураккаб патология сифатида қайд этилмоқда. Шунингдек, турли мамлакатлар орасида фетоскопик лазер коагуляция самарадорлигининг сезиларли даражада фарқ қилиши, бир хил стандартлашган алгоритмларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатиб, мазкур соҳада янги илмий изланишларнинг аҳамиятини янада оширмоқда. Акушерлик асоратлари ва перинатал ўлим даражасининг 80–100% гача бўлиши ФФТСни эрта ташхислаш ва бачадон ичи коррекция усулларини такомиллаштириш, замонавий акушерликнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда монохориал диамниотик ҳомиладорликларда ФФТСнинг этиологияси ва патогенези тўлиқ аниқланмаганлиги сабабли, мазкур патологияни эрта ташхислаш ва замонавий даволаш технологияларини такомиллаштиришга қаратилган мақсадли тадқиқотлар фаол олиб борилмоқда. Сўнгги йилларда фетоскопик лазер коагуляция «олтин стандарт» сифатида қўлланилса-да, турли марказларда унинг самарадорлигидаги фарқлар, йўлдош анастомозлар индивидуаллиги ва доплер кўрсаткичларининг прогностик аҳамияти борасидаги баҳсли нуқталар касалликнинг клиник-назорат алгоритмларини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. ФФТСда учрайдиган амниотик суюқлик мувозанатининг бузилиши, гипоксия, ўсишдан ортда қолиш, перинатал ўлим ва туғруқдан кейинги неврологик асоратлар хавфини камайтириш мақсадида кам инвазив фетоскопик технологиялар асосидаги мониторинг ва коррекция усуллари ривожлантириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан, мазкур йўналишда амалга оширилаётган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, бирламчи бўғинни касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш учун самарали воситага айлантириш, рақамлаштириш жараёнини тезлаштириш, кўрсатилаётган

---

<sup>1</sup> World Health Organization. Congenital anomalies and perinatal outcomes in multiple pregnancies. Geneva: WHO, 2022.

тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва уларнинг сифатини сезиларли даражада яхшилаш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устивор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, уларга ихтисослашган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни кенг амалга ошириш» каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда бевосита перинатал асоратларни камайтириш ва тирик қолган болалардаги оғир неврологик нуқсонларни олдини олиш, шунингдек бу категориядаги ҳомиладор аёлларда ушбу асоратларни олдини олиш бўйича ўз вақтида профилактика, ташхислаш ва коррекция чора-тадбирлар протоколини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2023 йил 9 августдаги ПҚ-296-сон «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ-311-сон «Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фето-фетал трансфузион синдроми (ФФТС) монохориал диамниотик ҳомиладорликларда учрайдиган оғир гемодинамик бузилиш сифатида сўнгги тўрт ўн йилликда халқаро илмий адабиётларда кенг ўрганилмоқда. ФФТС патогенези ва плацентар артерио-венوز анастомозларнинг роли илк бор 1980–1990-йилларда атрофлича тавсифланган (Quintero R., 1990; De Lia J., 1992). Кейинчалик клиник босқичларни аниқлаш учун Quintero таснифи таклиф қилинган ва амалиётда кенг қўлланила бошланган (Quintero R., 1999).

Фетоскопик лазер коагуляциянинг самарадорлигини ўрганган йирик рандомизацияланган тадқиқотлар перинатал натижаларнинг сезиларли яхшиланишини кўрсатган (Senat T., 2004). Камида битта ҳомиланинг тирик қолиш даражаси 85–90%, икки ҳомиланинг тирик қолиши эса 60–70%

атрофида эканлиги тасдиқланган (De Vore G., 2007; Ruano R., 2013). Узоқ муддатли неврологик асоратлар бўйича ўтказилган тадқиқотлар перивентрикуляр лейкомаляция ва мотор ривожланиш кечикишининг хавфи ҳақида муҳим маълумотлар берган (Adegbite A., 2004; Lopriore E., 2006; Chopin N., 2014). Эрта диагностикада I триместрдаги ТВП ва КТР дискордантлигининг аҳамияти кўплаб муаллифлар томонидан исботланган (Nicolaides K., 2011; Khalil A., 2016). Йўлдош ангиоархитектоникани 3D-визуализация қилиш бўйича тадқиқотларда анастомозларнинг тузилиши ва уларнинг прогностик аҳамияти ёритилган (Chalouhi G., 2010; Slaghekke F., 2014). Лазер коагуляциянинг “Solomon техникаси” самарадорлиги ҳақидаги ишларда қайта юзага келувчи анастомозлар сони камайиши ва перинатал натижалар яхшиланиши кўрсатиб ўтилган (Baschat A., 2013; Graef C., 2015). Шунга қарамай, доплер кўрсаткичларининг прогностик қиймати, йўлдош анастомозлар индивидуаллиги ва инвазив даволаш натижаларининг марказлар ўртасида фарқ қилиши каби масалалар ҳанузгача баҳсли бўлиб қолмоқда (Oepkes D., 2016; Ishii K., 2017).

Ўзбекистонда ФФТС бўйича тадқиқотлар сўнгги йилларда олиб борилган. Монохориал эгизак ҳомиладорликларни мониторинг қилиш, фетоскопик лазер коагуляциянинг дастлабки клиник тажрибалари ва доплерометрия мезонларини ўрганиш Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази базасида амалга оширилган (Юсупбаев Р.Б., 2021). Бироқ мамлакат миқёсида ФФТС патогенези, йўлдош ангиоархитектоника ва перинатал натижаларга таъсир қилувчи омилларни қамраб олган кўп марказли тадқиқотлар ҳали ўтказилмаган. Шундай қилиб, ФФТСда бачадон ичи коррекция усулларининг самарадорлигини баҳолаш, прогноз белгиларини аниқлаш ва миллий клиник тактикани такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотларни олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация мавзусининг, диссертация бажарилган илмий ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АЛ-56-тур 21101918-сон амалий илмий гранти «Кам инвазияли фетоскопик технологиялардан фойдаланиб, ҳомила патологиясини прогнозлаш, эрта ташхислаш ва даволашнинг янги усулини ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** фето-фетал трансфузион синдромини эрта прогнозлаш, ташхислаш ва бачадон ичи коррекция қилиш усулларининг самарали мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кўп ҳомилали ҳомиладорлик ва туғруқ кечишининг ретроспектив таҳлилини ўтказиш;

фето-фетал трансфузион синдромини эрта прогнозлаш ультратовуш ва доплерометрия маркерларини аниқлаш;

фето-фетал трансфузион синдроми билан касалланган ҳомиладор аёлларда кам инвазив бачадон ичи аралашувлардан фойдаланишни таққослаш бачадон ичи аралашувлар амалга оширилган аёлларда ҳомиладорлик кечиши ва натижаларини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2022–2025 йиллар давомида амбулатор ва стационар даволаниш учун «Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази»га мурожаат қилган фето-фетал трансфузион синдроми белгилари кузатилган 80 нафар ҳомиладор аёллар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида фето-фетал трансфузион синдроми кузатилган монохориал ҳомиладорликларда ҳомилаларнинг доплер ва йўлдошнинг визуал текширув кўрсаткичлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник-лаборатор, биокимёвий, функционал диагностик, фетоскопик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор монохориал диамниотик ҳомиладорликларда ҳомиладорликнинг 11 ҳафтадан 13 ҳафта 6 кунгача бўлган даврида веноз канали доплер текширувида артерио-веноз анастомозлар орқали қон айланишининг эрта дисбаланси сабабли патологик тўлқин кузатилган ҳолатларда фето-фетал трансфузион синдром ривожланиш хавфи 70% гача ортиши аниқланган;

илк бор монохориал диамниотик ҳомиладорликларда ултратовуш текширувида киндикларнинг йўлдошга уланган жойлари орасидаги масофа 5 см дан кам бўлган ҳолатларда, артерио-веноз анастомозларнинг зич тузилгани сабабли фето-фетал трансфузион синдром ривожланиш хавфи 60% гача ортиши аниқланган;

илк бор йўлдошнинг морфологик текширувида йўлдош қон томир анастомозларининг сони 7 тадан ортиқ ва диаметри 2 мм дан катта бўлган ҳолатларда, йирик ва кўп сонли анастомозлар орқали қон оқимининг нотекис тақсимланиши сабабли фето-фетал трансфузион синдром ривожланиш хавфи 73% гача ортиши аниқланган;

илк бор фето-фетал трансфузион синдромда йўлдош қон томир анастомозларини 50 Вт қувватли узлуксиз режимдаги лазер нури ёрдамида коагуляция қилиш усули қўлланилиб, анастомозларнинг тўлиқ ва барқарор окклюзияси таъминланганлиги сабабли иккита ҳомиланинг тирик қолиш кўрсаткичи 90% гача ортиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

фето-фетал трансфузион синдроми ривожланган ва ривожланмаган монохориал эгизак ҳомиладорликларни ҳомиладорликнинг эрта босқичларида фарқлаш имконини берувчи асосий ташхисий белгилари аниқланган;

бачадон ичи аралашув усуллари (амниоредукция, лазер коагуляцияси, септотомия) перинатал ўлимни камайтириш ва неонатал натижаларни яхшилашдаги клиник самарадорлиги исботланган;



гестацион муддат, синдром босқичи ва йўлдош анатомик хусусиятларига қараб фето-фетал трансфузион синдромини коррекция қилиш усулини танлаш бўйича алгоритм ишлаб чиқилган;

фето-фетал трансфузион синдромида оптимал муддатларда фетоскопик лазер коагуляциясини қўллаш билан ҳомилаларнинг тирик қолиш кўрсаткичи 75% гача таъминланиши аниқланган;

олинган натижалар монохориал ҳомиладорликларни олиб боришда акушер-гинекологлар ва пренатал диагностика мутахассислари амалиётига қўллаш учун тадбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва замонавий усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сони ва танланган материалнинг етарли миқдордалиги, умумклиник, анамнестик, ретроспектив, замонавий диагностик, бачадон ичи даволаш ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, ҳулосаси, олинган натижаларнинг статистик усулларни қўллаш орқали ишончлилиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти монохориал эгизак ҳомиладорликларда фето-фетал трансфузион синдроми ривожланиш хавфини прогноз қилишда 11 ҳафтадан 13 ҳафта 6 кунгача бўлган даврда венوز канал патологик қон оқими, киндиклар оралиғидаги масофа ҳамда йўлдош қон-томир анастомозларининг сони ва диаметри каби ултратовуш ва морфологик мезонларни қўллаш орқали аниқ ташхис, хавфни баҳолаш ва акушерлик тактикасини танлашда дифференциал ёндашувни таъминлаши, шунингдек, ҳомиладорлик даврида асоратларни олдини олишга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти клиник амалиётда илк бор йўлдош қон томир анастомозларини лазер билан узлуксиз тартибда (50 Вт қувватда) коагуляция қилиш усули апробация қилиниб, икки ҳомиланинг ҳам тирик қолиш кўрсаткичи 90% гача яхшилаш имконини бериб, бу эса, ўз навбатида, перинатал асоратлар ва ўлим кўрсаткичларини сезиларли даражада камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фето-фетал трансфузион синдромини ташхислаш ва коррекциясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* илк бор монохориал диамниотик ҳомиладорликларда ҳомиладорликнинг 11 ҳафтадан 13 ҳафта 6 кунгача бўлган даврида веноз канали доплер текширувида артерио-веноз анастомозлар орқали қон айланишининг эрта дисбаланси сабабли патологик тўлқин кузатилган ҳолатларда фето-фетал трансфузион синдром ривожланиш хавфи 70% гача ортиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази экспертлар кенгашининг 2024 йил 30 мартдаги №32 у-т/17-сон эксперт ҳулосаси билан тасдиқланган «Фето-фетал трансфузион синдромини эрта ташхислаш ва коррекциясининг замонавий усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт

марказининг Тошкент вилояти филиали бўйича 14.06.2024 йилдаги 254-сон ҳамда Қашқадарё вилояти филиали бўйича 06.04.2024 йилдаги 187-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 августдаги 23/23-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* фето-фетал трансфузион синдроми бўйича юқори хавф гуруҳини аниқлашга, эрта ва мақсадли мониторингни ташкил этишга ҳамда оғир босқичлар ривожланишидан олдин коррекцияни амалга оширишга имкон берган. Бу усул ҳомиланинг танқидий ҳолатлари, шошилишч аралашувлар ва неонатал интенсив терапияга эҳтиёж частотасини камайтирган, узоқ муддатли истиқболда эса янги туғилган чақалоқларда ногиронлик ҳолатларини қисқартирган ва перинатал саломатлик кўрсаткичларини яхшилаган. *Иқтисодий самарадорлиги:* ҳомиладорликнинг 11 ҳафтадан 13 ҳафта 6 кунгача бўлган даврида веноз канали қон оқимини баҳолаш ва кейинчалик фето-фетал трансфузион синдромида ўз вақтида фетал хирургик аралашувни амалга ошириш неонатал интенсив терапия билан боғлиқ харажатларни сезиларли даражада камайтирган. Янги туғилган чақалоқни реанимация ва интенсив терапия бўлимига ётқизиш харажати 45000000 сўмгача, йўлдош анастомозларини лазерли коагуляция қилиш эса 2000000 сўм бўлган шароитда, реанимацияга ётқизиш частотасини 82% дан 68% га тушириш ўртача 10600000 сўм иқтисодий самара берган. Бу натижа ушбу усулнинг нафақат клиник, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам юқори самарадорлигини кўрсатади;

*иккинчи илмий янгилик:* илк бор монохориал диамниотик ҳомиладорликларда ултратовуш текширувида киндикларнинг йўлдошга уланган жойлари орасидаги масофа 5 см дан кам бўлган ҳолатларда, артерио-веноз анастомозларнинг зич тузилгани сабабли фето-фетал трансфузион синдром ривожланиш хавфи 60% гача ортиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази экспертлар кенгашининг 2024 йил 30 мартдаги №32 у-т/17-сон эксперт хулосаси билан тасдиқланган «Фето-фетал трансфузион синдромини эрта ташхислаш ва коррекциясининг замонавий усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилояти филиали бўйича 14.06.2024 йилдаги 254-сон ҳамда Қашқадарё вилояти филиали бўйича 06.04.2024 йилдаги 187-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 августдаги 23/23-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* киндикларнинг йўлдошга уланган жойлари орасидаги масофани скрининг мезони сифатида қўллаш кузатув частотасини хавф даражасига қараб мослаштириш имконини берган. Бу кўп ҳомиладорликни кузатиш клиник самарадорлигини оширади ва индивидуал ёндашувни яхшилаган. *Иқтисодий самарадорлиги:* киндикларнинг йўлдошга уланган жойлари орасидаги масофа стандарт ултратовуш текшируви доирасида бепул ўтказилиши ва фето-фетал трансфузион синдромини эрта аниқлаш билан боғлиқ равишда, янги туғилган чақалоқларни интенсив терапияга ётқизиш частотаси 0,82 дан 0,68 гача камайган. Шу тариқа, ҳар бир бемор ҳисобига 8800000 сўм тежамкорлик таъминланди;

*учинчи илмий янгилик:* илк бор йўлдошнинг морфологик текширувида йўлдош қон томир анастомозларининг сони 7 тадан ортиқ ва диаметри 2 мм дан катта бўлган ҳолатларда, йирик ва кўп сонли анастомозлар орқали қон оқимининг нотекис тақсимланиши сабабли фето-фетал трансфузион синдром ривожланиш хавфи 73% гача ортиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази экспертлар кенгашининг 2024 йил 30 мартдаги №32 у-т/17-сон эксперт хулосаси билан тасдиқланган «Фето-фетал трансфузион синдромини эрта ташхислаш ва коррекциясининг замонавий усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилояти филиали бўйича 14.06.2024 йилдаги 254-сон ҳамда Қашқадарё вилояти филиали бўйича 06.04.2024 йилдаги 187-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 августдаги 23/23-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* фето-фетал трансфузион синдромини эрта ташхислаш аниқлигини оширган ва эрта аралашувни ўз вақтида режалаштириш имконини берган. Бу оғир оқибатлар хавфини камайтирган, шошилиш ёрдамга эҳтиёжни қисқартирган ва перинатал саломатлик кўрсаткичларини яхшилаган. *Иқтисодий самарадорлиги:* эрта лазерли коагуляцияни ўтказиш зарурлигини асослаган, бу эса фето-фетал трансфузион синдромининг оғир шакллари ва улар билан боғлиқ юқори харажатли асоратларни олдини олган. Янги туғилган чақалоқларни узок муддатли интенсив терапияга эҳтиёжини камайтириш ҳисобига, бу усулнинг иқтисодий самарадорлиги ҳар бир аёл учун 25000000 сўм тежамкорлик билан ифодаланади;

*тўртинчи илмий янгилик:* илк бор фето-фетал трансфузион синдромида йўлдош анастомозларини 50 Вт қувватдаги лазер нури ёрдамида узлуксиз режимда коагуляция қилиш усули қўлланилиб, анастомозларнинг тўлиқ ва барқарор окклюзияси таъминлангани сабабли икки ҳомиланинг тирик қолиш кўрсаткичи 90% гача ортиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази экспертлар кенгашининг 2024 йил 30 мартдаги №32 у-т/17-сон эксперт хулосаси билан тасдиқланган «Фето-фетал трансфузион синдромини эрта ташхислаш ва коррекциясининг замонавий усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилояти филиали бўйича 14.06.2024 йилдаги 254-сон ҳамда Қашқадарё вилояти филиали бўйича 06.04.2024 йилдаги 187-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 августдаги 23/23-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* юқори энергияли узлуксиз режимини қўллаш қон томирларни барқарор окклюзия қилиш имконини яратиб, рецидивлар ва қайта аралашув эҳтиёжини камайтирган. Бу янги туғилган чақалоқларнинг тирик қолишини яхшилади ва ногиронликка олиб келувчи ҳолатларни камайтирган. *Иқтисодий самарадорлиги:* 50 Вт қувватли узлуксиз лазер коагуляция режими қўлланилиб қайта аралашувлар частотасини ва госпитализация давомийлигини камайтирган, бу эса тўғридан-тўғри даволаш

харажатларини камида 30%га қисқартирган. Бир бемор учун ўртача харажат 18400000 сўм иқтисодий самарадорликка эришилганлиги соғлиқни сақлаш тизими учун иқтисодий жиҳатдан самарали ечим ҳисобланади.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг нашрлари.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртда боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «Адабиётлар шарҳи. Кўп ҳомиладорликни олиб боришнинг замонавий тенденциялари» деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар натижалари, охириги 10 йиллик хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиққан ҳолда адабиётлар шарҳида, монохориал ҳомиладорликларда йўлдошнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлигида скрининг тадбирлари, фето-фетал трансфузион синдроми ривожланишида юзага келадиган юрак-қон томир муаммолари механизми, ФФТСни коррекция қилиш усуллари ҳамда даволашдан кейинги перинатал натижалар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Клиник материал ва тадқиқот усулларининг характеристикаси» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув келтирилган. Бўлимда текширилган беморларнинг умумий хусусиятлари ва текшириш усуллари келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида эгизак ҳомиладорликда ҳомиладорлик ва туғруқнинг кечишини аниқлаш учун 2020-2022 йилларда Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт марказида ўрганилган 110 та туғруқ тарихи бўйича ретроспектив тадқиқот ўтказилди.


Тадқиқотнинг иккинчи босқичида ФФТС билан ташхисланган 80 аёлда йиллар давомида проспектив таҳлили ўтказилди ва улар 2 гуруҳга бўлинди: 1. Асосий гуруҳ: ҳомиладорлик даврида касаллик босқичи ва клиник вазиятга қараб турли бачадон ичи аралашувлар (амниоредукция, лазер коагуляцияси ёки

септотомия) қўлланилган 40 та аёллар. 2. Таққослаш гуруҳини бачадон ичи аралашувлари рад этилганлик сабаб амалга оширилмаган 40 та ҳомиладор аёллар киритилди.

Барча ҳомиладорлар мунтазам равишда эксперт даражадаги УТТдан ўтказилиб борилган. I триместрда ФФТС эрта аниқлаш учун веноз протокни миқдорий таҳлил қилиш усули ишлаб чиқилган. Патологик (нулевой ёки реверс) қон оқими мавжуд бўлганда, ФФТС ривожланиш хавфи 70% гача етиши аниқланган.


Лазер орқали коагуляция жараёнининг in vitro шароитида экспериментал моделлаштирилиши амалга оширилган ва энг самарали параметр — 50 Втли узлуксиз режим танлаб олинган. Ҳар бир турдаги бачадон ичидаги даволаш усули ва унга кўрсатмалар ёритиб берилган. Олинган маълумотлар статистик усуллар орқали қайта ишланган.

Диссертациянинг «**Монохориал-диамниотик эгизак ҳомиладорликларда ҳомиладорлик, туғруқ ва перинатал натижаларнинг ретроспектив таҳлили**» деб номланган учинчи бобида, ретроспектив таҳлил учун РИОБСИАТМда 2020–2022 йилларда амалга оширилган 11 380 туғруқ тарихи кўриб чиқилди. Шуларнинг 110 таси (0,97%) МХДА эгизак ҳомиладорлик бўлиб, уларнинг 11 тасида (10%) ФФТС қайд этилган (1-расм). Эгизак ҳомиладорликларда селектив ҳомила ўсишининг кечикиши 21,8% (n=24) ҳолатларда, ФФТС эса 10% (n=11) ҳолатларда учради. ФФТС ташхиси УТТ ва Quintero таснифига асосланиб қўйилган: оғир босқичлар устунлик қилган, 36% ҳолатда V босқич аниқланган. Бачадон ичи даволаш деярли қўлланилмаган: йўлдош анастомозларнинг лазер коагуляцияси умуман ўтказилмаган, амниоредукция фақат 1 ҳолатда (9%) қўлланилган.




**1-расм. Ҳомиладорликнинг умумий популяциясида МХДА ва ФФТС учраш частотаси (ретроспектив таҳлил бўйича)**

Туғруқларнинг 86,4% ҳолатда кесарча кесиш йўли билан амалга оширилган, шуларнинг ярмидан кўпи шошилиш тартибда бажарилган. ФФТС мавжуд ҳолларда барча туғруқлар абдоминал усулда ўтказилган. Асосий кўрсатмалар сифатида ҳомиланинг чанок билан келиши 22,72% (n=25), ҳомиланинг нотўғри келиши 14,54% (n=16), бачадондаги чандик 17,9% (n=19) ва бир ҳомила антенатал ўлими 6,3% (n=7) бўлган (2-расм).



**2-расм. Абдоминал туғруқ усулига кўрсатмалар**

МХДА эгизак ҳомиладорликларда муддатидан олдин туғруқлар юқори учраган — 74,5% (n=82). Энг эрта туғруқлар (23–32 ҳафта) 25,4% (n=28) ҳолатда қайд этилган, бу эса жуда барвақт туғруқ хавфи юқори эканлигини кўрсатган (3-расм). 49,1% (n=54) ҳолатда туғруқ 32–37 ҳафта оралиғида амалга оширилган.



**3-расм. ФФТС бўлган ва бўлмаган ҳомиладорларда туғруқ пайтидаги гестация даври (ҳафталарда)**

МХДА эгизак ҳомиладорликларда паритет таҳлили шуни кўрсатдики, аёлларнинг 35,45% (n=39) — биринчи бор туғувчилар, 64,55% (n=71) — қайта туғувчилар бўлган.

ФФТС кузатилган ҳолатларда янги туғилган чақалоқларнинг вазни асосан 2500 г дан паст диапазонда қайд этилган, ФФТС бўлмаган гуруҳда эса кўпчилик чақалоқлар массаси  $\geq 2500$  г бўлган (1-жадвал).

**1-жадвал****ФФТС бўлган ва ФФТС бўлмаган гуруҳларда янги туғилган чақалоқларнинг вазни (г).**

Янги туғилган чақалоқларнинг вазни (г)	ФФТС бўлган (n =11)		ФФТС бўлмаган (n = 99)	
	абс. сон	%	абс. сон	%
< 500	1	9,1	0	0
500–999	1	9,1	1	1,0
1000–1499	3	27,3	6	6,1
1500–1999	3	27,3	13	13,1
2000–2499	2	18,2	33	33,3
≥ 2500	1	9,1	46	46,5
Жами	11	100	99	100
p	<0,001		—	

Янги туғилган чақалоқларни асфиксия даражалари бўйича тақсимланиш таҳлили ФФТС ва ФФТСсиз гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқларни аниқлаган ( $p < 0,001$ ) (2-жадвал). ФФТС билан асоратланган ҳомиладорликлардан туғилган чақалоқларда ўртача ва оғир даражадаги асфиксия анча юқори учраган (мутаносиб равишда 63,6% ва 22,8%), ФФТСсиз гуруҳда эса бу кўрсаткичлар 26,3% ва 8,0% ни ташкил этган. Асфиксия белгилари кузатилмаган чақалоқлар нисбати ФФТС гуруҳида анча паст бўлган — 13,6% га қарши 65,7%.

**2-жадвал****Янги туғилган чақалоқларда асфиксия даражалари бўйича таҳлил**

Асфиксия даражаси	ФФТС (n = 22)	ФФТСсиз (n=198)	Жами (n = 220)
Асфиксиясиз	3 (13,6%)	130 (65,7%)	133 (60,5%)
Асфиксия ўрта даража	14 (63,6%)	52 (26,3%)	66 (30,0%)
Асфиксия оғир даража	5 (22,8%)	16 (8,0%)	21 (9,5%)
Жами	22 (100%)	198 (100%)	220 (100%)
p	<0,001		—

ФФТС учраган ҳомиладорликларида неонатал реанимация зарурати 82% ҳолатларда (11 тадан 9 та) қайд этилган, бу асоратланмаган МХДА эгизак ҳомиладорликдаги шунга ўхшаш аралашувлар частотасидан (16%; 99 тадан 16 та) сезиларли даражада юқори бўлган ( $p < 0,001$ ). ФФТС гуруҳидаги деярли барча янги туғилган чақалоқлар оғир гипоксия, эрта туғилиш ва гипотрофии туфайли интенсив терапияга муҳтож эдилар. Янги туғилган чақалоқларнинг асосий асоратлари сунъий нафас вентилляцияси ва сурфактант терапияси талаб этилган респиратор дисстресс синдроми, марказий асаб тизимининг гипоксик-

ишемик шикастланиши, донор-ҳомилада анемия ва реципиент-ҳомилаларда гиперволемиа ёки юрак етишмовчилиги белгилари бўлган.

Перинатал натижаларни солиштириш шуни кўрсатдики, ФФТС билан ҳомиланинг перинатал кўрсаткичлари монохориал кўпҳомиладорликда ФФТС бўлмаган ҳолатга нисбатан статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада ёмонроқ бўлган (3-жадвал).. Ўртача туғруқ муддати  $28 \pm 2,5$  ҳафтани ташкил қилган, ФФТС бўлмаганларда эса  $36 \pm 1,8$  ҳафта. Туғилган чақалоқларнинг ўртача оғирлиги  $1323 \pm 480$  г бўлган, ФФТС бўлмаганларда эса  $2455 \pm 510$  г. Оғирликнинг дискордантлиги 32% ни ташкил қилган (ФФТС бўлмаганларда 9%), антенатал ўлим камида бир ҳомилада 74,4% га тенг бўлган (солиштирилганда 2,5%), янги туғилган чақалоқларда асфиксия 68% ни ташкил қилган (солиштирилганда 14%). ФФТСда тирик қолиш кўрсаткичи сезиларли даражада паст — 25,6% (ФФТС бўлмаганларда 97,4%), шунингдек реанимация чоралари ФФТС ҳолатларининг 82% да талаб қилинган (солиштирилганда 16%).

### 3-жадвал

#### ФФТСда ва ФФТСсиз перинатал натижалар

Кўрсаткич	ФФТС (n=22)	ФФТСсиз (n=198)	p
Ҳомиладорлик муддати (ҳафта)	$28 \pm 2,5$	$36 \pm 1,8$	0,0035 †
Туғилиш вақтидаги оғирлик (г)	$1323 \pm 480$	$2455 \pm 510$	<0,001 †
Оғирликнинг дискордантлиги (%)	32,0	9,0	<0,001 †
Антенатал ўлим $\geq 1$ (%)	74,4	2,0	<0,001 †
Янги туғилган чақалоқларда асфиксия (%)	68,0	14,0	<0,001 †
Тирик қолиш кўрсаткичи (%)	25,6	97,4	<0,001 ‡
Янги туғилган чақалоқларни реанимация қилиш кўрсаткичи (%)	82,0	16,0	<0,001 ‡

Олинган маълумотлар ФФТСда перинатал прогнознинг жуда салбийлигини исботлаган ва фаол пренатал диагностика ҳамда ўз вақтида бачадон ичи аралашувларни амалга ошириш зарурлигини қайд этган.


Диссертациянинг «**Фето-фетал трансфузион синдромини ташхислаш, бачадон ичи аралашувлари ва натижаларининг проспектив тадқиқоти**» деб номланган тўртинчи бобида анамнестик маълумотларни таҳлил қилинганда асоратланган акушерлик анамнези асосий гуруҳдаги аёлларнинг 31,8-50,0% да, таққослаш гуруҳида эса 30,0%; кўп ҳомиладорлик учун хавф омиллари мос равишда 22,5% га нисбатан 25,0-30,0% да кузатилганлиги аниқланган. ЭКУ орқали юзага келган кўп ҳомиладорлик частотаси лазер коагуляцияси гуруҳида энг юқори (40,0%) бўлиб, септотомия ва амниоредукция гуруҳларида 18,2-25,0% ва таққослаш гуруҳида 17,5% ни ташкил қилган.




ФФТС ривожланиши хавфини кўрсатувчи ультратовиш маркерларини ўрганилганда I триместрда КТР фарқи  $>10\%$  бўлган аёллар орасида кейинчалик ФФТС ривожланиши  $30\%$  ни ташкил этган, ТВП фарқи  $>0,6$  мм эса  $60\%$  ҳолатда аниқланган. Бироқ ФФТС кузатилган ҳомиладорларнинг  $40\%$  да ТВП фарқи  $\leq 0,6$  мм бўлган, бу эса барча МХ эгизакларни кузатиш зарурлигини кўрсатган.

Проспектив тадқиқотда I триместрда веноз проток (DV) доплерометриясининг ФФТС хавфини эрта аниқлашда юқори прогноз аҳамияти исботланган. DVда патологик қон оқими (нул ёки реверс «а»тўлқин)  $70\%$  ҳомиладорларда қайд этилган ва уларнинг барчасида кейинчалик II босқич ва ундан юқори ФФТС ривожланган, асосан 22 ҳафтагача эрта намоён бўлган ҳолатларда бўлган. DVдаги бузилишлар ва оғир кечувчи синдром ўртасидаги корреляция аниқланган, бу эса DVни классик ултратовуш белгилари пайдо бўлишидан олдин ҳомилалараро гемодинамик дисбалансни мустақил антенатал предиктор сифатидаги аҳамияти исботланган.

Йўлдошнинг хориал пластинкасида киндиклараро масофаси ўрганилганда  $60\%$  МХ эгизак ҳомиладорликларда киндиклар  $<5$  см жойлашгани аниқланган (4-расм ва 5-расм).



**4-расм. Ҳомиладорларни киндиклараро масофасига қараб тоифаларга бўлиш ва тақсимланиши**




**5-расм. Йўлдошнинг расми**


Бундай жойлашув йўлдошда қон томир анастомозлари шаклланиши ва унга мувофиқ ФФТС ривожланиши учун анатомик хавф омил эканлиги қайд этилган. Киндиклар оралиғидаги масофанинг 5–10 см бўлиши  $30\%$  ҳолатда учраган,  $>10$  см масофа эса  $10\%$  ҳолатда қайд этилган бўлиб, бу вазиятларда синдром ривожланиш хавфи нисбатан пастлиги исботланган.

Тадқиқот натижалари ТЕІ индекси Quintero таснифси бўйича III–IV босқичдаги барча ҳомиладорларда патологик юқори эканини, I–II босқичларда эса нормал даражада эканлигини кўрсатган (6-расм ва 7-расм). Динамик кузатув маълумотларига кўра турли бачадон ичи даволаш усуллари қўлланилгандан кейин ТЕІ индекси сезиларли даражада пасайган: энг катта

яхшиланиш йўлдош анастомозлари лазер коагуляциясидадан кейин қайд этилган (0,65 дан 0,52 га), бироз камроқ яхшиланиш септотомиядан сўнг (0,68 дан 0,53 га) ва амниоредукциядан кейин (0,70 дан 0,56 га) қайд этилган. Бу маълумотлар бачадон ичи аралашувлар ҳомилаларнинг кардиогемодинамика ҳолатини яхшилашда самарали эканлигидан далолат берган.



**6-расм. ТЕІ индекси юқорилиги  
ФФТС босқичи бўйича**



**7-расм. ТЕІ индекси  
(даволашдан олдин ва кейин)**

Шундай қилиб, ТЕІ индекси ФФТСнинг оғир шакллари юқори сезгирлик билан кўрсатувчи маркер ва ўтказилаётган бачадон ичи даволаш самарадорлигини баҳолашда муҳим мезон эканлиги аниқланган.

Динамик кузатув тизими бачадон ичи аралашувларидан сўнг 24–48 соат ичидаги дастлабки УТТ-назорат биринчи 2 ҳафтада ҳар 3–5 кунда УТТ ва доплер, кейин ҳафтасига 1 марта; мунтазам амниотик суюқлик ҳажмини баҳолаш, сийдик пуфаги визуализацияси, биофизик профил; КТГ — 30 ҳафтадан бошлаб ёки кўрсатмалар бўйича эканлигини ўз ичига олган.

Йўлдошнинг морфологик таҳлили монохориал эгизак ҳомиладорликларининг 73%да  $\geq 7$  қон томир анастомозлари мавжуд бўлиб, ҳеч бўлмаганда битта диаметри  $> 2$  мм артериал анастомоз қайд этилганлиги — бу ФФТС ривожланиши ва оғир кечиши хавфининг юқорилиги билан боғлиқ эканлигини маълум қилган. Аксинча, 27% йўлдошларда анастомозлар сони 7 тадан кам бўлиб ёки умуман йирик артериал анастомозлар мавжуд эмаслиги, бу ҳолларда синдром ривожланиши хавфи паст бўлган. Шу тарзда, йўлдош анастомозларнинг сони ва диаметри ФФТС хавфи ва кечиш прогнозининг муҳим анатомик маркерлари ҳисобланиши аниқланган. Уларни касаллик хавфини баҳолаш ва прогноз қилиш мақсадида туғруқдан кейинги текширув протоколига киритиш ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда қон томир анастомозларини коагуляция қилиш учун энг оптимал лазер режими аниқлаш мақсадида *in vitro* моделлаштириш амалга оширилган. Учта режим таққосланган: 1-режим — 40 Вт, узлуксиз; 2-режим — 50 Вт, узлуксиз (афзал кўрилган); 3-режим — 60 Вт, импульсли (0,3 с импульс / 0,2 с танаффус). Баҳолаш мезонлари сифатида окклюзиянинг

барқарорлиги, қайта перфузия эҳтимоли, тўқимага шикастланиш даражаси ва термик таъсирнинг барқарорлиги кўриб чиқилган. Натижаларга кўра, 2-режим (50 Вт) энг юқори самарадорликни (95%) ва минимал термик шикастланишни таъминлаган. 1-режим — 80% самарадорлик, лекин ўртача шикастланиш; 3-режим — 85% самарадорлик, бироқ кучли тўқима шикастланиши кузатилган.

Гемодинамик кўрсаткичлар ва даволаш динамикасини таҳлил қилиш натижалари бачадон ичи даволашнинг барча уч усули – амниоредукция, йўлдош анастомозларини лазер йўли билан коагуляция ва септотомия – ҳомилалардаги амниотик суюқлик кўрсаткичларини ишончли равишда яхшилагани, донор ва реципиент ҳомилалар ўртасидаги суюқлик ҳажмини тенглаштиргани кўрсатилган (4-жадвал ва 5-жадвал).

#### 4-жадвал

**Ҳомилалардаги максимал вертикал ўлчам (МВК) кўрсаткичларининг аралашувдан олдин ва кейинги ўзгариши, см(M±SD)**

Гуруҳ (n)	Ҳомила 1: МВК олдин кейин	Ҳомила 2: МВК олдин кейин	p
Амниоредукция (n=22)	$\frac{16.5 \pm 1.2}{5.5 \pm 0.7}$	$\frac{1.2 \pm 0.3}{3.5 \pm 0.6}$	<0.0001
Лазер коагуляцияси (n=10)	$\frac{17.0 \pm 1.3}{5.2 \pm 0.6}$	$\frac{1.0 \pm 0.2}{3.8 \pm 0.7}$	<0.0001
Септотомия (n=8)	$\frac{15.8 \pm 1.1}{5.8 \pm 0.8}$	$\frac{1.3 \pm 0.4}{4.0 \pm 0.6}$	<0.0001
Таққослаш гуруҳи (ўлим ҳолатлари 95%, n=38)	$\frac{16.8 \pm 1.4}{0.0}$	$\frac{1.1 \pm 0.2}{0.0}$	-

#### 5-жадвал

**Ҳомилалардаги амниотик суюқлик индекси (АСИ) кўрсаткичларининг аралашувдан олдин ва кейинги ўзгариши, см(M±SD)**

Гуруҳ (n)	Ҳомила 1: АСИ олдин кейин	Ҳомила 2: АСИ олдин кейин	p
Амниоредукция (n=22)	$\frac{16.5 \pm 1.2}{5.5 \pm 0.7}$	$\frac{1.2 \pm 0.3}{3.5 \pm 0.6}$	<0.0001
Лазер коагуляцияси (n=10)	$\frac{17.0 \pm 1.3}{5.2 \pm 0.6}$	$\frac{1.0 \pm 0.2}{3.8 \pm 0.7}$	<0.0001
Септотомия (n=8)	$\frac{15.8 \pm 1.1}{5.8 \pm 0.8}$	$\frac{1.3 \pm 0.4}{4.0 \pm 0.6}$	<0.0001
Таққослаш гуруҳи (ўлим ҳолатлари 95%, n=38)	$\frac{16.8 \pm 1.4}{0.0}$	$\frac{1.1 \pm 0.2}{0.0}$	-

Энг тўлиқ тенглашув йўлдош анастомозларини лазер коагуляциясидан кейин кузатилган, бу дисбаланснинг асосий сабаби бўлган қон томир анастомозларининг бартараф этилганини исботлаган.

Ўртача мия артерияси доплерометрияси реципиент ҳомилаларда даволашдан кейин анемия индекси (МоМ) барча гуруҳларда сезиларли пасайганини, айниқса йўлдош анастомозларини лазер коагуляциясидан кейин (деярли меъёрий қийматларгача) пасайганини кўрсатган (6-жадвал).

**6-жадвал**

**Даволаш усулига боғлиқ равишдаўрта мия артериясидаги доплерометрик анемия кўрсаткичлари (MoM), (M±SD)**

Гуруҳ (n)	Ҳомила 1: Индекс MoM <u>олдин</u> кейин	Ҳомила 2: Индекс MoM <u>олдин</u> кейин	p
Амниоредукция (n=22)	$\frac{0.8 \pm 0.1}{0.85 \pm 0.1}$	$\frac{1.7 \pm 0.2}{1.3 \pm 0.1}$	<0.0001
